



# Ошла Ва

Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади.

Ислом КАРИМОВ


# Жамият

14 (1321)-сон 5 апрель 2017 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

## ГЕНИ ЎЗГАРТИРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАР

қай даражада фойдали?



А.Маликов коллажи.

Кейинги йилларда ГМО (гени модификацияланган – ўзгартирилган организм) атамаси пайдо бўлди. Яъни, ўсимликлар, ҳайвонлар ва микроорганизмларнинг гени бегона генлар билан бойитила бошлади. Биология фанлари доктори, профессор Шониёз Қурбонов билан ана шундай маҳсулотларнинг фойда ва зиёнлари ҳақида суҳбатлашдик.

4-бетда

Ушбу сонда:

### ХАЛҚНИНГ МАЪНАВИЙ ЭҲТИЁЖИ ҚОНДИРИЛАЯПТИ (МИ?)



Кўшимиз ўғил кўрибди. Анчадан бери тирноққа зор эди. Эл қатори мен ҳам қувондим. "Халқига хизмат қиладиган бўлсин", дедим-да, отасига сим қокдим.

– Ака, умри билан берган бўлсин!  
Исми нима бўлди полвоннинг?  
– Месси...

5-бетда

### Оила - микрожамият, жамият - макрооила



Юртдошларимиз таниқли адабиётшунос олим, маънавият ва маърифат фидойиси Султонмурод Олимни сўнги йилларда шоир сифатида ҳам кашф қилишди: адабий нашрларда кўплаб шеърлари эълон қилинди. Домла тахририятимизга тақдим этган "Волидайнома" деб номланган янги шеърини туркумда ҳам айнан оила ҳаёти билан боғлиқ масалалар бадиий таҳлил этилган.

6-бетда

### ФАРЗАНДИНГИЗ ДАН ЮЗ ЎГИРМАНГ!



ёхуд даун синдроми касаллиги хусусида

2011 йилнинг декабрь ойида БМТнинг Бош Ассамблеяси 21 мартни Халқаро Даун синдроми мавжуд бўлган инсонлар куни сифатида нишонлашни ва мазкур муаммога эътибор қаратишни тақлиф этди.

8-бетда

## ЁШ ИЖРОЧИЛАР ОҲАНРАБОСИ



**Ўзбекистон давлат консерваториясида анъанавий “Наврўз садолари” III халқаро мусиқа кўрик фестивали бўлиб ўтди.**

“Sog‘lom avlod uchun” халқаро хайрия фонди, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, “Сўғдиёна” миллий чолғулар камер оркестри ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкиллаштирилган кўрик танловда мусиқа ва санъат лицейлари, оркестр жамоалари ҳамда ансамбллари, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида голибликни қўлга киритган мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда кўшни Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон Республикалари жамоалари, жами 1000 нафардан зиёд ёш мусиқа усталари иштирок этишди.

– Кўрик танлов ёш ижрочиларнинг маҳоратини янада оширди, – дейди фестивалнинг бадий раҳбари Феруза Абдурахимова. – Улар нафақат ўз маҳоратларини синаб кўришди, шунинг баробарида тажриба алмашишди. Ёш ижрочиларни кўриб кишининг ҳаваси келади, улар ҳали 7 ёш, 16 ёш.

Андижон вилоятининг “Болажон” ансамбли ва Тошкент шаҳар “Асалой” болалар ансамбли иштироки барчада катта таассурот қолдирди. “Наврўз садолари” III халқаро халқ чолғулари оркестрлари ва кўп овозли ансамбллари мусиқа фестивали кўп овозли ижро шаклини ривожлантириш ва янада оммалаштиришга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир. Фестивалда катта оркестр жамоалари билан бир қаторда, кичик ансамбл гуруҳларининг иштироки, чекка ҳудудларда мусиқага иштиёқи баланд ёшларни кенгроқ жалб этиш имконини беради.

Мусиқа фестивали давомида миллий чолғулар кўргазмида, кўповозли ансамбл ва оркестрлари чиқишлари намоиш этилди. “Чолғу ижрочилиги: муаммо ва ечимлари” мавзусида давра суҳбати ва Маҳорат дарслари уюштирилди.

Фестивал сўнгида голиб ва муносиб иштирок этганлар тақдирланди.

**Шаҳноза ТЕМИРХЎЖАЕВА**

– Жаннатмакон Ўзбекистонда туғилганим – энг катта бахтимдир, – дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Тўрткўл тиббиёт касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Гузал Отанонова. – Айниқса, мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътибор бутун жаҳонни ҳайратга солмоқда. Шунинг баробарида оилада ҳам ота-она ўз фарзандларини қўллаб-қувватлаши, уларнинг иқтидорига қараб, мақсад сари йўналтириши лозим. Бу борада ҳам омадим чопган. Отам-онам болалигимдан билим олиш, иқтидоримни юзага чиқариш учун ҳамма шароитларни яратиб беришди.

## Зулфияхоним қизлари

– Яхшиликка интилиб, яхшиларга ҳавас қилиб яшайдиган халқимиз, – дейди онаси Наргиза Исаева. – 17 ёшида Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган қизимнинг ютуғидан, нафақат устозлари, балки бутун Тўрткўл, Қорақалпоғистон ахли мамнун бўлди. Халқимиз “Болангнинг роҳатини, орзу-ҳавасини кўр”, дейиши бежиз эмас. Тақдирлаш маросимида бахтли оналар қаторидан жой олганимда шуни ҳис этдимки, фарзандингизнинг ютуғи кўнгилни беҳад фаҳрга, ифтихорга тўлдираркан. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев қизимни

## ИШОНЧ – ФАРЗАНДГА

Катта орзуларга йўллаш учун болага энг аввало, ишонч билдирилиши керак. Азамат Эшонов ва Наргиза Исаева хондонидан ўсиб-улғайган Гузал ота-онаси ва устозларининг ишончини жуда эрта хис этди ва буни оқлаш учун астойдил ўқиб-ўрганди. “Юсак маънавиятли авлод”, “Маҳалла менинг тақдиримда”, “Қамолот” ЁИХ томонидан ташкил қилинган “Юрт келажиги”, “Иил сардори” каби кўрик-танловларда фаол иштирок этиб, муваффақиятларга эришди.

“Бахтим – Қорақалпоқ қизиман”, “Гулгунча” номли китобларининг чоп этилиши унинг илк ютуқлари эди.

Ёш бўлишига қарамай, Тўрткўл туманида “Сўз сехри” номли адабий тўғарак ташкил қилиб, унга юздан ортиқ иқтидорли ёшларни жалб этди.

Ёзувчилар, шоирлар, зиёлилар билан ҳар ойда бўладиган учрашувлар, китобхонлик тарғиботига бағишланган тадбирлар ёш ижодкорларни янги-янги марралар сари илҳомлантирмоқда.

## ҚАНОТ



табриклар, мукофотни тақдим этаётганида қувонч ёшларимни яшира олмадим. Ватанимиз равнақи, осмонимиз мусаффолиги ва тинчлиги, Юртбошимизнинг одилона сиёсати, халқимизнинг ҳамжихатлигига яна бир бор шукрона айтдим. Тилгим шуки, ҳар бир оилада ўсаётган ўғил-қизлар мана шундай эътирофларга эришсин. Ҳаммамизнинг ўғил-қизларимиз ҳам истеъдодли. Ўз иқтидорини юзага чиқаришига ишониб, унга мадад бўлсак, болаларимиз катта-катта муваффақиятларга эришадилар.

Юртбошимиз айтганларидек: “Китобсиз – келажак йўқ”. Ҳар бир ота-она фарзанди кўнглида китобга, миллий қадриятларимизга меҳр уйғотса, болаларимиз албатта, кенг фикрли, салоҳиятли бўлиб улғаяди. Қизим ҳам Юртбошимизнинг, халқимизнинг ишончини ўз меҳнатлари, хизматлари билан албатта, оқлайди, деган умиддаман. Зиммасидаги бу масъулиятни бажаришида биз ҳам унга елкадош бўлаемиз.

**Ҳамроҳон МУСУРМОНОВА**

**Андижон вилояти Булоқбоши туманида “Фуқаролик жамиятини шакллантиришда хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишнинг долзарб вазифалари” мавзусида кўргазмали семинар бўлиб ўтди.**

**Жараён**

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Андижон вилояти кенгаши, Булоқбоши тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, бошланғич партия ташкилотлари раислари, партия фаоллари, касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари, журналистлар иштирок этди.

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб меҳнат ва яшаш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

– Тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, хотин-қизларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнидаги фаол иштирокини юксалтириш, сиёсий ва ҳуқуқий билимини, ёш авлод тарбиясидаги масъулиятини янада оширишда партия қўйи ташкилотлари олдига турган вазифаларни таҳлил қилишдан иборат, – дейди Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси вилоят кенгаши ижроия қўмитаси девони раҳбари Ҳ.Омонов. – Шунингдек, партияимиз аъзоси бўлган фаол хотин-қизларнинг ана шу жараёнлардаги ташаббускорлик ва етакчилик қобилиятини юксалтириш, бу борадаги илғор иш тажрибаларини оммалаштиришдир.

Семинарда партиянинг таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари томонидан хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш юзасидан олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.

**Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ**

uzn.uz сайтидан олинди.

## ПОЙТАХТИМИЗДА ЗАМОНАВИЙ МАҲАЛЛА МАРКАЗЛАРИ БАРПО ЭТИЛАДИ

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев 25 март кун пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш чоғида Юнусобод туманидаги Увайсий номидаги маҳаллада ҳам бўлди. Бу ерда яратилган шароитлар билан танишди.**

Шу маҳалла мисолида миллий урф-одатларимизга мос «Замонавий маҳалла» намунавий лойиҳаси асосида маҳаллаларда таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш ишларини амалга ошириш, замонавий маҳалла марказларини ташкил этиш орқали ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш лозимлиги қайд этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг жорий йил 31 мартдаги «Тошкент шаҳрининг туманлари ҳудудида «Замонавий маҳалла» марказлари намунавий лойиҳасини жорий қилиш тўғрисида»ги қарорининг мазмун-моҳиятига бағишланган матбуот анжуманида шулар хусусида сўз борди.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдурахимова ва бошқалар мамлакатимизда маҳалла институтини ривожлантириш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва янада бойитиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар инсон манфаатларини таъминлаш, тинчлик-осойишталикни асраш, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Президентимизнинг 2017 йил 3 февралдаги «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борадаги ишларни янги боسقқча кўтарди.

Йиғилишда тадбиркорлик субъектлари томонидан пойтахтимиздаги барча маҳаллаларда «Замонавий маҳалла» намунавий лойиҳаси асосида маҳалла оқсоқоли, маслаҳатчилари, профилектика инспектори учун хоналар,

қариялар учун дам олиш хонаси, кутубхона, коммунал тўловларни қабул қилиш шохобчаси каби қулайликлар яратилган маҳалла маркази ташкил этилиши лозимлиги таъкидланди. Маҳалла марказида замонавий чойхона, новвойхона, “Гўзаллик салони”, дўкон, спорт ва болалар майдончалари, савдо шохобчаси, пойабзал, маиший техникалар таъмирлаш устaxonаси, кичик ателье барпо этилиши қайд этилди.

Президентимиз Увайсий номидаги маҳалланинг мўъжаз кутубхонаси фаолияти билан танишиб, мамлакатимиздаги барча маҳаллаларда шундай зид масканлари барпо этиш кераклигини таъкидлаганди. Турли бадий, илмий-оммабop адабиётлар, болаларга мўлжалланган китоблар, компьютерлар ва интернет, минглаб электрон адабиётлар базасига эга кутубхона аҳолининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, навқирон авлоднинг китобхонлик маданиятини ривожлантиришга хизмат қилади. Шаҳримиздаги 505 маҳаллада барча шарт-шароитларга эга замонавий кутубхона барпо этилади.

– «Замонавий маҳалла» лойиҳаси асосида ташкил этиладиган маҳалла маркази, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини куриш ниятини билдирган тадбиркорлик субъектларининг мурожаат ва лойиҳалари эътиборга олинб, уларга ер майдони ажратилади, имтиёзли кредитлар берилади, – дейди Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи У.Абдуллаев. – Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва туман ҳокимликлари тавсия этган тадбиркорлик субъектлари томонидан барпо этилади. Демак, шу лойиҳа орқали қўллаб-тадбиркорлар қўллаб-қувватланади, янги иш ўринлари очилади, аҳолига кенг қулайликлар яратилади.

Соҳа мутахассислари журналистларнинг савол-жавоб қайтарди.

**Азима ҚИЁСОВА**



Бу гал Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Бойғул маҳалласида бўлиб, маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эшпўлат Тошпўлатов, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Гавҳар Ражабова, фаоллар – Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Ўриш Сафаров, Насиба Сафарова билан қишлоқни айландик.

Сарисув кўчаси, 7-уйда яшовчи, “Диёрбек-Ёрқинбек” фермер хўжалиги раҳбари Ўриш Қўшманов хонадони жуда файзли. 3 ўғил, 2 қизни тарбиялаб, воёга етказган, эндиликда 16 нафар неваранинг бува ва бувижониси бўлган Ўриш ака ва Тамара опа Қўшманова бир неча йиллардан бери оилавий тadbиркорлик билан шуғулланишади. Асосан пахта, ғалла етиштиришади. Икки гектар ерга шивитнинг тўқсонбости нави экилиб, чет элга экспорт қилинмоқда. 22 киши доимий иш билан таъминланган.

– Давлатимиз томонидан тadbиркорларга яратилган имкониятлардан жуда мамнунмиз, – дейди Ўриш ака. – Шу туйғайли қўшимча даромадга эга бўляпмиз, тўйлар қилиб, уй-жой қуряпмиз, енгил машина сотиб оляпмиз. Утган йили ҳар гектардан 35 центнер пахта, 50 центнер дон олдик. Даромадимиз ҳам шунга яраша.

Мураббийлар кўчаси, 90-уйда яшовчи Рустам Маматқулов иссиқхонадан чиқиб, бизни қарши олди. Унинг умр йўлдоши Умриниса Маматқулова ҳам иш билан банд экан. Ушбу оиланинг беш фарзанди ҳам ота-онага кўмақдош.

– “Агробанк”нинг туман бўлимидан 2 миллион 100 минг сўм кредит олиб, бир

# Бойғулнинг Африкенг одамлари

Уй-ма-уй юриб...



ярим сотих майдонга помидор эдик. Мана кўриб турганингиздек, ҳозирда ҳосилга кирган, – дейди оиланинг кенжа ўғли Равшан Маматқулов.

...Сарисув кўчаси, 10-уй соҳиби 80 ёшли Ҳикматилла Исроилов 40 йил педагог бўлиб ишлаган. Турмуш ўртоғи Мария Исроилова билан 3 ўғил 1 қизга ҳалол ризқ бериб, тарбиялаб, эл қорига камарбаста қилишган. Эндиликда 13 неvara, 5 чеваранинг орзу-ҳавасини кўришмоқда.

...Мураббийлар кўчаси, 12-уйда 102 ёшга кирган Кумушхон момо Қўнишева

билан кўришдик. Унинг 5 фарзанди турли сабаблар билан оламдан ўтган. Набиралари билан туради. 5 нафар неvara, 12 чевараси бор. Бир умр далада меҳнат қилиб, кун кўрган. Фарғона каналининг қазилишида қатнашган. Ҳовли ораста. Тинч. Онаҳон ҳали тетик. Маҳалла оқсоқоли, фаоллари, патронаж ҳамшира ва шифокори уни йўқлаб туришади.

– Шукр қиламанки, шундай гўзал замонлар неvara-чевараларимга насиб қилди. Бешала неварам ҳам олий маълумотли. Элимиз тинч, хонадонлар

обод. Давлатимиз барча имкониятларни яратиб қўйган. Бундан унумли фойдалансангиз, бас. Илоҳим, юртбошимиз омон бўлсин!

Мураббийлар кўчаси, 13-уйда яшовчи 94 ёшли Матқоим ота Ортиқбоевни ҳам йўқладик. Отахоннинг атрофида тўрт келини парвона. Маҳалла фаоллари, ҚВП, мактаб маъмурияти, туман ҳокимияти ундан хабар олиб туради.

Маҳалла болалари шу ҳудудда жойлашган 17-мактабда таҳсил олишади. – Мактабимизда 435 нафар ўқувчи бор. 35 нафар педагог ишлайди, – дейди маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Ҳакима Қаршибоева. – Таълим муассасамиз биноси қурилганига 85 йилча бўлиб қолган. Бу йил мактаб учун замонавий 2 қаватли бино қуриб фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда.

Охунбоев қишлоқ врачлик пунктида 9 нафар тиббий ходим Бойғул, Дўстлик ҳамда Қайрма қишлоқларида хизмат кўрсатар экан. Патронаж ҳамшира ва шифокорлар қариялар, она ва бола, ҳомиладор аёллар, беморлар ҳолидан хабар олишади. Лаборатория, физиотерапия, аёллар хонаси ишлаб турибди. ҚВП ҳовлисига ва йўлақлар четига гуллар экилган.

Қош қорайиб, Тошкентга қайтар эканмиз, Бойғулда ўтган бир кунимиздан кўнглимиз тўлди. Оққўрғон аҳлининг хирмонларига, умр-жонларига барака тилаб, улар билан хайрлашдик.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА

## Она ибратши

Оилам – олтин қўрғоним



Навоий вилояти, Кармана туманидаги Деггарон маҳалласи бошланғич хотин-қизлар кўмитаси раиси Мастура опа Пўлатова ҳақида гап кетса: “Болаларига ҳар жиҳатдан ибрат бўлган она”, дея таъриф беришади.

Турмуш ўртоғи Абдурауф ака Пўлатов билан беш фарзандни билимли, зукко, меҳнатсевар қилиб тарбиялаган Мастура опанинг оиласидаги аҳиллик ва тотувликка ҳамманинг ҳаваси келарди. Афсуски, 47 ёшида бошига оғир мусибат тушди. Турмуш ўртоғи Абдурауф ака кутилмаганда автоҳалокат тугайли вафот этди.

Беш боласи билан ёлғиз қолган она бор меҳрини фарзандларига, ўқувчиларига берди. Астойдил меҳнат қилди. Дағлаб мактабда, кейинчалик Саноат ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида немис тили фанидан ёшларга сабоқ берди. Ўқувчилари фан олимпиадаларининг туман, шаҳар, вилоят, республика босқичларида ютуқларни қўлга

критиштиди. Устозларига ҳавас қилиб, кўпчилиги ўқитувчилик касбини танлашди.

Оила соҳибининг вафот этганига ўн бир йил бўлганина қарамай, уйда ҳамон унинг ўрни бор. Мастура опанинг фарзандларига айтар ҳар бир сўзи, ҳар бир ўғитида Абдурауф акага, унинг орзу-ниятларига чексиз эҳтиром сезилиб туради. Ёлғиз

боши билан беш фарзандни эл қаторига қўшиш йўлида тинмай ҳаракат қилаётган она турмуш ўртоғининг хотирасига суюяди. Унинг сўзларини болалари қулоғига қўйди. “Отанг тирик бўлганида мана бу ишингиз ёлқарди, буниси унга маъқул келмасди”, деган гапнинг ўзиёқ ўғил-қизлари учун энг катта сабоқ эди.

Дарслари тугагач, уйига келиб, болаларини ёнига олиб, томорқа ишларига машғул бўлди. Рўзгор учун мева-чева, сабзавотлар етиштирди. Кўчат экиб, катта боғ яратди. Молларни кўпайтирди. Фарзандлар ҳам қобил, меҳнаткаш бўлиб воёга етишди. Чиройли, шинам уй-жойлар қуришди. Оилада ҳам ота, ҳам она ўрнида бўлган Мастура опа болаларининг олий маълумотли бўлиши учун тиним билмай ишлади. Уларнинг бир дақиқа вақтини зое кетказмай, ўқишларини назорат қилди. Билим олишлари учун шароит яратди.

Қаттиққўллик, меҳр-муҳаббат, яхши таълим-тарбия ўз натижасини бериб, Маҳфуза – она тили ва адабиёт ўқитувчиси, Маъруфжон – тарих ўқитувчиси, Сардорбек – жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб, ота-онаси ишлаган 16-мактабда

фаолият юритишади. Зубайда эса Навоий давлат Кончилик институтида талабаларга чет тилидан сабоқ беради. Кенжа қиз Ойзода Зарафшондаги оилавий поликлиникада ҳамшира.

Уч қиз, уч кўёв, икки ўғил, икки келин, ўн неvara қуршовида яшаётган Мастура опа фарзандларининг бахтидан, уларнинг ютуғидан илҳомланиб, чиройли шеърлар битади. Онадан ўтган бўлса керак, қизлари Маҳфуза ва Зубайда ҳам шеърлар, мақола ва бадиалар ёзиб, оммавий ахборот воситаларида кўриниб туришади.

Сардорбекнинг шоғирдлари спортнинг турли йўналишларида вилоят ва республика чемпионатларида голиб бўлиб, жаҳон ареналарига йўл олиш арафасида туришибди. Она учун фарзандининг ютуғини, камолини кўришдан ортиқ бахт борми?!

– Маҳалла оқсоқоли ва маслаҳатчимиз билан бирга Мастура опа ҳар битта хонадонга, ҳар битта ёш оилага кириб, эринмай панду насиҳат қилади. Келин-қизларга оилада тинчлик-тотувликни, ўзаро меҳр-оқибатни асраш, болаларни ўқимини, ҳунарли қилиб тарбиялашда айниқса, аёлларнинг ўрни жуда муҳим эканини тушунтириди. Тўй-ҳашамларнинг камчиқим, ихчам ўтказилишида ўзларининг тажрибаларидан келиб чиқиб, маслаҳатлар бериб, яхшиликка етаклайди, – дейди маҳалла котибаси Ҳикоят опа Топилова.

Шунинг учун бўлса керак, маҳалла аҳли бир оиладек аҳил-иноқ, ҳамжихат. Қўйди-чиқди, ажралишлар деярли йўқ. Турли байрам тadbирлари, сайиллар, ҳашар ҳамшира баҳамжихат, чиройли ва фаол ўтади. Кексалар, ногирон ва ёлғизлар аҳволидан хабардор бўлиш, маҳалладаги ҳар бир ўғил-қизнинг таълим-тарбиясидан бохабар бўлиш, буларнинг барчаси Мастура опанинг кундалик қомушига айланган.

Эл ардоғида яшаётган шундай фидойи, жонкуяр аёлларимиз бор экан, юртимиз ҳаммиша тинч, оилаларимиз мустаҳкам, фарзандларимиз соғ-саломат, баркамол бўлиб яшайди.

Мухаррам БОЗОРОВА,  
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси

# ГЕНИ ЎЗГАРТИРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАР

қай даражада фойдали?

**Кейинги йилларда ГМО (гени модификацияланган – ўзгартирилган организм) атамаси пайдо бўлди. Яъни, ўсимликлар, ҳайвонлар ва микроорганизмларнинг гени бегона генлар билан бойитила бошланди. Биология фанлари доктори, профессор Шониёз Қурбонов билан ана шундай маҳсулотларнинг фойда ва зийнлари ҳақида суҳбатлашдик.**


– Гени ўзгартирилган мева-саб-завотларни бозор пештахталарида қандай “таниб олиш” мумкин?

– Бундай маҳсулотларнинг шакли қолигга солингандек бир хил бўлиб, ҳашарот ва зараркундалар таъсирига деярли учрамайди. Аксарияти ҳидсиз, лекин пўсти таранг, кўркам, кўзни қувнатади. Табиийсидан фарқи шундаки, пичоқ билан кесилса, шираси кўп ажралмайди.

Бугунги кунда озиқ-овқат дўконларида генетик ўзгартирилмаган ва биологик фаол кўшимчалари бўлмаган тайёр маҳсулотларни учратиш қийин. Ҳатто, қадокланган пиширилган ва ширинликларнинг аксарияти генетик чагишишларни “бошдан кечирган”, десак хато қилмаган бўламиз. Чет мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган колбаса маҳсулотлари, фаст-фуд таомлар, турли соуслар, қўйилтирилган сут ва кетчуп сингари егуликлар таркибида ҳам генетик чагиштирилган қўшилмалар мавжуд.

– Бундай маҳсулотлар кўпайтирилганини қандай изоҳлаш мумкин?

– Биринчидан, озгина жойга экилса ҳам кўп ҳосил олинади. Иккинчидан, зараркундаларга ўта чидамли ва ҳатто унга “ҳужум” қилган айрим ҳашаротларнинг ўзлари нобуд бўлади, шу боис қимматли кимёвий моддалар тежаб қолинади. Учинчидан, бундай маҳсулотларни етиштириш анча кам харажат талаб қилади. Тўртинчидан, ер юзи аҳолиси сонининг ошиб бора-



ётгани боис инсоният олдида керакли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш масаласи кўндаланг қўйилаётган экан, ушбу муаммо ечимида трансген маҳсулотларни кўпайтириш қўл келиши мумкин.

– Лекин бир қатор олимлар бундай маҳсулотларнинг истеъмолига оид қарама-қарши фикрларни билдиришмоқда...

– Бунга арзирли сабаблар бор. Тажрибаларга кўра, трансген маҳсулотлар билан доимий озиқлантирилганда ҳатто ядро портлашлари туфайли юзага келган кучли нурланишлар шароитида ҳам бемалол кўпайиб яшайверадиган сичкон ва каламушларнинг тана ва бош миЯси ҳажми камайгани, насл қолдириш хусусиятлари бузилгани аниқланган.

Бундан ташқари, трансген маҳсулотлар истеъмоли қиладиган ҳайвонлар орасида саратонга чалинганлари кўпайиб кетган. Каламуш ва сичконлар антибиотиклар таъсирига ўта чидамли бўлиб қолар экан. Демак, бундай маҳсулотлар туфайли организмларда касалликларни антибиотиклар ёрдамида даволаш имкониятлари кескин пасайиб кетиши ҳам мумкин.

Аммо дунё олимлари тўпланган маълумотларни умумлаштирган ҳолда, гени

ўзгартирилган маҳсулотлар инсон саломатлигига ҳаф тугдирмайди, деган хулосага келинди. Масалан, кейинги чорак аср давомида олиб борилган юздан ортик илмий тадқиқотлар натижасида гени ўзгартирилган маҳсулотлар табиий ҳолда етиштирилган маҳсулотлар каби ҳавфсиз эканлиги кўрсатиб ўтилган.

– Ҳар бир янги тажриба қўлланилаётганда фойдали жиҳатлари, албатта, ҳисобга олинади. Гени ўзгартирилган маҳсулотларнинг янги навларидан шундай хусусиятлар мавжудми?

– Япониялик генетиклар яратган янги навли гуруччи қандли диабетга чалинганлар ҳам бемалол истеъмоли қилишлари мумкин экан. Бундай гуруч ейилгач, ошқозоноти безида инсулин ишлаб чиқиши тезлашади. Трансгенли эчки сутидаги оқсилдан тромбоз касаллигига қарши ишлатиладиган дори олинган.

Замонавий тиббиётда гени ўзгартирилган бактериялардан инсулин олиш йўлга қўйилган. Шунингдек, инсон генини ўзгартириш орқали оғир касалликларни бартараф этиш устида олинтирилган олиб борилляпти. Ҳатто ОИТСга чалинган болаларнинг ҳар тўрттадан биттаси ген терапияси ёрдамида даволанганини олимлар тажриба

## Оилавий хабар

сифатида исботлаб беришган. Лекин, танганинг иккинчи томони ҳам бор. Манбааларда келтирилишича, АҚШда гени ўзгартирилган маҳсулотлар истеъмоли бозорига киритилгандан бир неча йиллар ўтиб, аҳоли ўртасида овқатдан заҳарланиш ҳолатлари 2-3 баробар ортган. Бразилия ёнғоғи генлари билан чагиштирилган сояни истеъмоли қилганда бундай ёнғоқларга аллергияси бор кишиларда аллергик ҳолатлар пайдо бўлган.

Айни пайтда АҚШда озиқ-овқатларнинг 70 фоизини трансген маҳсулотлар ташкил этади. Россияда истеъмоли таомларининг 30-40 фоизига четдан келтирилган трансген ўсимлик навларининг мевалари, поялари, илдиз ёки барглари қўшилган бўлиб, чет элларда етиштирилган 14 хилдаги трансген маҳсулотлар истеъмоли учун ишлатилмоқда.

– Гени модификацияланган (трансген) маҳсулотлар навлари ёки турларини яратишда аслида бегона генлардан фойдаланиларкан. Шу ҳақда тўхталсангиз?

– Трансген организмлар яратиш учун даставвал бирор хусусиятли (масалан, совуқ иқлим шароитида яшовчи) ўсимлик ёки ҳайвон турининг ген таркибидан керакли ген ажратиб олиниб, бошқа организм геномига ўрнатилади. Натижада совуқ урмайдиган, шунингдек, ташқи кўриниши чиroyли ва таъми ўзгача ўсимлик нави юзага келади. Мана шу усул билан оддий ерутут ген тизимига Арктика шароитида яшовчи балик генидан ўтказилиб, унинг қаҳратон қишда ҳосил берадиган нави яратилган.

Шунингдек, ақула генлари помидорга кўчирилиб, совуққа чидамли нави ихтиро қилинди. Чаён гени кўчирилган, картонкада колорадо кўнғизидан ўзини химоя қилиш хусусияти пайдо бўлган. Генетик чагиштирилган натижасида қишлоқ хўжалик экинларининг табиий офатларга чидамлилиги оширилган. Бундай ўзгаришлар генетика соҳасида кейинги йилларда эришилган ютуқлардан бири эканлигини тан олиш лозим.

Демак, трансген маҳсулотлар устида ўтказилаётган тадқиқотлар ҳам тобора мукамаллашаётган экан, бу борадаги яратувчилик кашфиётлари келгусида инсониятга безарар хизмат қилиши лозимлигига жиддий эътибор қаратилади, албатта.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА  
суҳбатлашди.

Супермаркетнинг озиқ-овқат бўлимини айланиб-юриб, растадаги пакетларнинг бирида “Национальное армянское блюдо – Лаваш” деган ёзувни ўқиб қолдим. Қизиқиб қарасам, “лаваш” деганлари ўзимизнинг ЮПҚА экан.

Хамирдан тайёрланадиган бу таом асосан, Самарканд, Қашқадарё, Жиззах, Бухоро, Сурхон эли орасида кенг ёйилган бўлиб, ичига турли егуликлар солиб, дастурхонга тортилади. Жумладан, Самаркандда юпқага атала солиниб, тўрт буклаб дастурхонга тортилади ва уни филминди дейишади. Бу таом одамни кун бўйи тўқ туттади.

Ўзбек хамирли таомларининг “кескан ош”, “умоч ош”, “хамир ош”, “умоч палов”, “палов ош” деган турлари мавжуд. Хамирли “палов ош” ўтмишда кенг тарқалган бўлиб, юпқанинг ичига паловнинг қовурилган гўшти ва сабзилари солиниб, ўраб тайёрланган.

“Палов ош” салжуқийларнинг катта кўчиши даврида биздан кавказга етган ва асрлар мобайнида номи ўзгаришларга юз тутиб – “па”си тушиб қолиб, “лаваш”га айланган. Шу тариқа Кавказ халқларининг хачапур, сулғуни, ткемали, ажжу, лобио, хаш, купа-ти, сациви кинзмараулик сингари миллий таомлари

## ҚАЧОНГАЧА ЮПҚАНИ “ЛАВАШ” ДЕЙМИЗ?



сафидан “лаваш” номи билан ўрин олган. Ҳозирга келиб лаваш ичидаги масаллигисиз фақат юпқадан иборат бўлиб қолган.

Чет элда, жумладан Россияда бўлганлар яхши билишди, яқингача ўзбекча нонни ҳам лаваш (толстый лаваш) деб аташар эди, хайриятки, унинг асл келиб чиқиши аниқланиб, “ўзбек нони” номи билан танилиб бормоқда.

Шаҳарларимизда оммалашиб бораётган “шаурма” таоми ҳақида ҳам шундай фикрни билдирса бўлади. Бу егулик ўтмишда айниқса Қашқадарё, Хоразм воҳасида яшовчи эллар орасида кенг тарқалган. Дала шароитида овда тутилган ўлжанинг тўши қилгича кўндирилиб оловда айланттириб пиширилгани сабабли у “ЧЕВИРМА”, яъни “айланттирилган”, “айланттириб пиширилган” (айрим манбаларда қовурма) деб ном-

ланган. Араблар босқинидан кейин таом арабларга ҳам ўтган, ҳозирда таом асл ватани – Ўзбекистонда миллий араб таоми “шаурма” сифатида машҳур бўлиб бормоқда.

Супермаркетдаги “Национальное армянское блюдо – Лаваш” пакетларидаги ёрлиқ бўйича тайёрланиш манзили билан қизиқдим. Менинг тушунчамга кўра, у Арманистонда тайёрланган бўлиши керак эди. Аслида, “арманча” маҳсулот Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган экан.

Ўзбекининг миллий таоми юпқа бизга ўзга бир халқнинг таоми сифатида таништирилиб, тақдим этилмоқда! Лоқайдликнинг, миллий таомларимизга ҳурматсизликнинг ҳам чеки бордир! Тақлифим: Ўзбекистонда “ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ТАОМИ – ЮПҚА”, деган ном остида юпқалар тайёрлаш йўлга қўйилса ва супермаркетларда сотилса, элимиз, тарихимизга нисбатан ҳурмат кўрсатилган ва адолатли иш қилинган бўлур эди!

Эркин МУСУРМОНОВ  
филология фанлари номзоди,  
адабиётшунох



# ХАЛҚНИНГ МАЪНАВИЙ ЭХТИЁЖИ ҚОНДИРИЛАЯПТИ(МИ?)



Кўшимиз ўғил кўрибди. Анчадан бери тирноққа зор эди. Эл қатори мен ҳам қувондим. “Халқига хизмат қиладиган бўлсин”, дедим-да, отасига сим қокдим.

— Ака, умри билан берган бўлсин! Иسمى нима бўлди полвоннинг?

— Мессис...

— Нима? Ўзбекча от қуриганмиди?

— Эй, сен нимани тушунардинг? Мессини биласанми, ўзи? Исм ўзбекча, испанча деб ўтирадимми? Мессидек футболчи бўлсин! Кўрасан, бизнинг ўғил Ўзбекистонни жаҳон чемпиони қилади!

— Беҳазил, Месси кўйдингизми?

— Беҳазил. Бўлмаса ўзинг тузукроқ исм айт. Футболчи бўлсин! Кўяман, майли сазанг ўлмасин!


Миям бир сонияда дунёни айланб чиқди. Бу одамларга яхши футболчи керак. Майли, футболчини кўя турайлик, айна пайта жаҳон чемпионатига олиб чиқадиغان жамоа керак (Айниқса, Сурия билан бўлган ўйиндан кейин). Эҳтимол, акамиз ўғлига Месси деб исм қўймас, бироқ ўзининг узқ йиллик орзу-истаклари, эзгу ниятларини шу орқали ифода этмоқчи бўлади. Бу айна пайтада спортга ишқибоз ҳар бир инсоннинг, бутун миллатнинг орзуси, десак хато бўлмас.

Ҳамама замонларда ҳам халқнинг орзу-нияти, мақсади бўлган. Улар аста-секин каттариб, улуғлашиб бораверди. Бу орзу-истаклар орасида халқнинг маънавий эҳтиёжи энг каттасидир. У бир қунда, бир ойда юзга келмайди, кўпинча неча ўн йиллаб вақтни, неча асрларни ўз ичига олиши мумкин.

Маънавиятли, ҳалол, ориятли, ҳамятли, ватанпарвар халқимиз азалдан ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш илинжида яшаган. Эртасини шу фарзандлари тимсолида кўрган. Шу тарихи элнинг маънавий эҳтиёжи ҳам улуғлашиб бораверган. Халқ ижодиёти дурдоналарига айланган куй-қўшиқлар, яратилган асарлар, у хоҳ насрий, хоҳ назмий бўлсин, замирида элнинг комил авлодни тарбиялаш йўлидаги эзгу йўл-кечинмалари, гоъларга ифодаланган. “Туюққуқ битиклари”, “Билга ҳоқон битиклари” каби энг қадимий ёзувлар, Маҳмуд Қошқарийнинг “Девону луғотит турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Саодатга элтувчи билим” сингари қўлёзмалари бугунгача сақланиб келинаётгани, қўлма-қўл ўқилаётгани сабаби, шубҳасиз, элнинг эл бўлиш гоъси тажассусланганидир. “Девону луғотит турк” асарида мардлик, ватанпарварлик ва жасорат юксак пардаларда таранум этилади:

**Тақра олиб ақуралим,  
Аттин тушиб юкаралим,  
Арсланлау кукаралим,  
Куча аниа кавилсун.**

Алпомиш дostonи яратилиши билан боғлиқ жуда кўп тахминлар, фаразлар учрайди. Айтайлик, бири халқ ичида ватанпарвар, ориятли, ёвга тиш-тирноғи билан қарши турадиган авлодни тарбиялаш зарурати бўлганида туғилган, деса яна бирон буну ўша пайтадаги шундай инсонларга муҳтож бўлган элу халқнинг эртанги орзулари билан боғлайди. Олимлар халқ менталитетини улуғлашга бўлган талаб сифатида кўрсатишади. Лекин унинг ёзи-



ли-  
шини мен халқнинг эҳтиёжига йўйган бўлардим. Айнан шу даврдаги воқеалар буну исботлайди, яъни халқнинг орзу-ўйлари улуғлаша борган ва миллатнинг миллат сифатидаги ўрни сезила бошлаган.

Шу билан одамларнинг маънавий эҳтиёжлари тўхтаб қолмади. Аксинча, кенгайиб, ортиб бораверди. Кун келиб, уларнинг дилга туққан ниятларини амалга оширувчи — комил инсон туғилишига умидланди.

Одамнинг айтиладиган ва айтилмайдиган орзу-ниятлари бўлади. Халқнинг маънавий эҳтиёжларини ҳам айтиб бўлмайди, фақат уни ҳис этиш мумкин.

Тасаввур қилинг, инсон баъзан истамаган ҳолда ким биландир сўхбатлашгиси келади. Гаплашиб, руҳи кўтарилади, маънавий озуқа олади. Ёки одамлар гурунглашгани кимнингдир ёнига ошиқади, ўша одамни жамиятда улар излаётган образ, дейиш мумкин. Ўй-кечинмаларида ҳам ўша инсоннинг сўзлари такрорланиб тураверди. Баъзида бир ўқиган китобни бир неча марта қайта ўқийди. Негаки, маънавий эҳтиёжини персонаж орқали қондиришга уринади.

— Нега Кумуш исми кўпайган? Одамлар Қодирийнинг қаҳрамонига ўхшаган фарзанди бўлишини истаган, — дейди таржимашунос Ҳабиба Раҳмонкулова. — Маънавий эҳтиёж масаласи олдида маънавий ибрат, деган ўй бор. Нега ўзбек оиласи янги туғилган қизалоққа Ишани деб исм қўяди? Одамлар шундай образга муҳтож. Шунга уларнинг эҳтиёжи бор. Лекин бу маънавий эҳтиёжини кўриб бўлмайти-да. Буну ижодкорлар чўқур ҳис этиши керак. Қачонгача биров яратган қаҳрамонларни ўз ўйларимиз бўйича бежаримиз. Нега доим китобларга мурожаат қиламиз, биласизми? Замон қанчалик тараққий этмасин, барибир одамлар шунга эҳтиёж сезади. Тараққиётни китобсиз, китобни тараққиётсиз тасаввур этиб бўлмайди.

— Автобусда бир кампирнинг газета ўқиб кетаётганига кўзим тушди, — дейди ҳуқуқшунос Муқаддас Ғайбуллаева. — Синчиклаб қарадим, момо чет эллик футболчини ҳаёти акс этган мақолани ўқирди. Ўйлаб қолдим: момога бунинг нима қизиғи бор? Мухлисикан, десам, бу тугал жавоб эмас. Эҳтимол, ўша газетани у бошқа очиб ҳам кўрмас. Бироқ у

газетадан нимадир қидирар эди. Нима бу? Бу образ! Агар момо ўзи излаган нарсани топганида мунтазам шу газетани ўқиган бўларди.

Бизнинг заминда азал-азалдан халқ эҳтиёжи биринчи ўринга қўйилган. Халққа ризқ бергани, сенга ризқ бергани, сингари ҳикматлар борлиғи шунга ишора.

— Президентимизнинг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши китоб билан одамларни таъминлашга катта ёрдам беради, деб ўйлайман, — дейди яқка турдаги тадбиркор Отахон Худайбергенов. — “... Ушбу муҳим соҳа ривожига билан боғлиқ аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишда бир қатор муаммолар мавжудлигини қайд этиш лозим”, дейди юртбошимиз. Шунданми, яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйдим ва одамларни китоб билан таъминлаш, уларга нур улаштириш истагидаман.

Ушбу фармойиш кўпгина ижодкорларни уйғотди, десам адашмайман. Негаки, китоб ўқиш, чоп этиш, тарқатиш, ёшларни жалб этиш борасида улкан тажрибага эга халқимиз орасида қанча ёзувчи-шоирлар, ижодкорлар бор.

Илгари одамлар гузарга йиғилиб, китоб мутолаа қилишган. Зиёлилар оддий кишиларга навбат-навбат асардаги воқеаларни ўқиб, тушунтириб беришган. Бугун бунга ҳожат йўқ. У пайтада халқда китоб ўқишга жуда катта эҳтиёж бор эди, шунинг учун асар ўқийётгани соатлаб тингланган, ҳозир эса бу эҳтиёж нисбатан сустлашган. Ўша давр одамлари билан ҳозирги одамларни солиштирсак, у даврда имконият жуда кам бўлган.

Юртбошимизнинг фармойишида шундай жумлалар қайд этиб ўтилади: “Аввало, бадий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган адабиётларни чоп этиш, улар билан таълим муассасаларини таъминлаш, миллий ва жаҳон адабиёти намояндаларининг етук асарларини саралаш, таржима қилиш ишлари пухта ўйланган тизим асосида таъкил этилмаган”. Албатта, жаҳон адабиётининг йирик вакиллари асарларини ўзбек китобхони ўқишга муштоқ.

— Электрон адабиётлар орқали китоб ўқийётган ёшларни кўп учратамиз, — дейди “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти ходими Мансур Жумаев. — Уят бўлса-да, айтишга мажбуримиз, бу китоблар орасида турли порнографик асарлар борлиғи кишини ўйлантиради. Масалан, турли хил шу турдаги ҳикоялар орқали киши маънавий озуқа олиши мумкинми? Тагин гирт уйдирма, миллий менталитетга ёт, одамнинг ҳирсини уйғотадиган ҳикоялар бўлса, мен буну ҳазм қилолмайман. Бир-иккита болаларга танбех бердим, шуни ёзаётган “ёзувчи” наҳот фарзандлар тарбияси ҳақида ўйламаса... Одамларнинг маънавиятини ўстириш йўли билангина шундай гализ тушунчалардан сақлаш мумкин.

Дунё китоб савдоси тажрибасидан маълумки, китобхон уйда утириб истаган асарга буюртма бериш имкониятига эга. Бу биринчидан, ўқувчининг вақтини тежаса, иккинчидан китоб сифатини, билиш имкониятини тугдиради. Боз устига чекка ҳудудларда китоб савдоси жуда оқсаётганини, шунингдек, уларни электрон адабиётлар билан таъминлаш тизимида қатор нўноқликлар борлигини инобатга олсак, китобга эътибор ёш авлод тарбиясида муҳим эканини таъкидламай илҳож йўқ.

Маънавий бўшлиқ миллий рух, менталитет асосида тўлдирилмаса, ўрнига бегона урф, оқва тушунчалар кириб кетади. Юқориде тилга олинганидек, инсон ўзи билиб-билмай баъзан шу ўйлар таъсирига тушиб боради. Ўзининг маънавий эҳтиёжини қондириш илинжида чор-атрофдан изланади. Бадий асарлар, киноларга юзланади. Аммо улар саёз бўлса... “Мессис”, “Ишани”, ёки “Зерда” исмидан маъно топишга ва фарзандларини уларнинг номи билан аташга тушади. Умуман бу исмлар урфга айланиши олдида сергак тортиб, халқнинг маънавий эҳтиёжини қондириш зарурати ҳақида ўйлаш керак! Шундагина одамлар миллий маданиятимизга чуқурроқ ҳурмат билан ёндашади.

Олимжон ЖУМАБОВ



Султонмурод ОЛИМ:

Юсак маънавият – энгилмас куч

# Оила – микрожамиyat, жамиyat – макрооила



**Юртдошларимиз таниқли адабиётшунос олим, маънавият ва маърифат фидойиси Султонмурод Олимни сўнги йилларда шоир сифатида ҳам кашф қилишди: адабий нашрларда кўплаб шеърлари эълон қилинди. Домла тахририятимизга тақдим этган “Волидайннома” деб номланган янги шеърлий туркумда ҳам айнан оила ҳаёти билан боғлиқ масалалар бадиий таҳлил этилган. Шу боис у киши билан оила, оилавий муносабатлар ҳақида суҳбатлашмоқчи бўлдик.**

– Очиғи, мавзу – ҳам нозик, ҳам мураккаб, – деди устоз. – Бундан 22-23 йилча илгари телевидиенининг “Узинги эр билсанг...” кўрсатуви ижодкорлари каминани оила ҳақида суҳбатга тортган эди. Ушанда минг хижолат билан: “Ҳали оила ҳақида фикр айтиш ёшига етмаганман”, – деган эдим. Энди 64 ёшга кирган киши бундай баҳона қилолмайди. Марҳамат.

– Сизнингча, оила нима-ю, жамият нима?  
– Оила – микрожамиyat, жамият – макрооила. Эски тилимизда айтганда, оила – жамияти сағир, жамият – оилайи кабир.

Ўзбекистонимизда оила ўртача 4-5 кишидан таркиб топган. Демак, бизда жами 7,5 – 8 миллион оила бор. Бу шунча жамият дегани. Оила тинч, аҳил, хотиржам, фаровон, бахтли бўлса, жамият тинч, аҳил, хотиржам, фаровон, бахтли бўлади. Чунки ҳамма нарса оилага бориб тақалади. Жамият мустаҳкам бўлиши учун, аввало, оилаларни мустаҳкамлаш чораларини кўриш керак. Ўз оиласида бахтли бўлмаган киши бошқа ҳеч ерда бахтли

бўлолмайди.

– “Жамиятда ҳамма нарса оилага бориб тақалади”, деяпсиз, оилада-чи?

– Оилада ҳамма нарса аёлга бориб тақалади. “Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам – хотин”. Халқ билиб айтган. Сабаби шуки, аёл, аввало, она! Она – меҳвар, яъни чархнинг асосий ўқи. Оила шу меҳвар атрофида айланади.

Назаримда, ҳар бир киши умрининг охирига қадар онаси (ёки она ўрнидаги аёл) берган тарбия билан яшайди. Шунинг учун жамият маънавияти, маърифати, ахлоқ-одоби – аввало, оналар маънавияти, маърифати, ахлоқ-одобига чамбарчас боғлиқ.

Бола тарбиясида отанингни ўрни ва мавқеини заррача камайтирмаган ҳолда шуни айтиш керакки, оилада тарбиянинг “она”си – барибир она.

Фанда, бола беш ёшига қадар умрининг охиригача оладиган ахборотнинг 70 фоизини ўзлаштиради, деган қараш бор. Хўш, беш ёшгача бола кўпроқ ким билан бўлади? Албатта, онаси билан.

Шуро даврининг охириларида айрим зиёлиларимиз оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар қилиб: “Ўзбек аёллари ўқисин, билим олсин, лекин ишлагандан уйда ўтириб, бола тарбияси билан шугуллансин”, – деганга ўхшаш тақлифларни ўртага ташлашди. Хозир ҳам шу фикрда юрганлар – қанча. Соддароқ қараганда, бу ҳам хато талаб эмасдек кўринади. Бироқ Америка Қўшма Штатлари олимларининг ижтимоий тадқиқоти хулосасига кўра, ишлайдиган оналар тарбиялаган болаларнинг савияси уй бекалари тарбиялаган болалар савиясидан анча баланд экан. Чунки ишлайдиган аёл – фаол, ҳаракатчан, кунини тартиб билан тақсимлашга мажбур, ҳамма нарсага улгуришга интилади, катта ахборот майдонига эга. Бу эса фарзанднинг онг-тафаккури, дунёқараши, фаоллигини тарбиялашда жуда қўл келар экан.

– Кўплар: “Тенг тенги билан...”, деган мақолни оилага нисбатан ҳам ишлатишди. Шунга муносабатингиз?

– Ҳақиқат шуки, одамлар орасида кучли, салоҳиятли, истеъдодли кишилар унча кўп эмас. Ҳамма замонда ҳам камолотга эришсанлар нобҳ ҳодиса ҳисобланади. Юсак салоҳиятга эга йигитларни бундайроқ қизларга уйлантирсак, бу оилада ота даражасидаги кучли фарзанд туғилиши эҳтимоли камайд. Ҳаётда бунга мисоллар жуда кўп. Бу мулоҳаза – нари борса, бир назария, албатта. Ҳаёт эса, аввало, амалиётдан иборат. Шунга қарамасдан, ҳар бир ота-она, ёшларнинг ўзи ҳам ана шу мулоҳаза мағзини обдон қақиб кўрса, шубҳасиз, камина чиқарган хулосага келса керак. Бунга ишонаман.

Айтайлик, булоқдан бир ариқ сув оқиб чиқаяпти. Бу сув бошқарилса, бир қишлоқ аҳлини боқади. Экин-текин ҳам униб-ўсади. Лекин шу бўлоқ суви бошқарилмаса, ўз-ўзича оқаверади. Бориб бир сойга кўшилса-ку, хўп-хўп. Бироқ қир-адирга бекордан-бекорга сингиб кетса-чи?

Кузатишларим асосида чиқарган қатъий хулоса шуки,

мамлакатимизда истеъдодли болалар жуда кўп туғилади. Болалигида суҳбатлашсангиз, дил яйрайди. Уларнинг кўзлари чақнаб туради. Йиллар ўтиб, ўсмир ёшида шу бола билан гаплашсангиз, аввалги умид учкунларидан асар ҳам қолмаганига амин бўласиз. Ҳамма қатори, тушунчалари ҳам – таъмиёна, билим савияси ҳам. Хўш, нима бўлди? Ўртада йиллар бой берилди. Бошқа гап йўқ. Энди бунинг ўрнини тўлдириб бўлмайди.

Боланингни онг-тафаккурини тизимли асосда шакллантириб бориш керак. Бу фақат мактабнинг қўлидан келадиган иш бўлганида, муаллимлар биринчи синфга бола танлаётганда баъзи оилаларнинг болаларини: “Синфимга олмайман, унинг акасини ўқитиб, бўлганим-бўлган”, – деб, айрим оилалар болалари учун: “Бу оила боласи фақат фалончи муаллимга берилганим, бу гал менинги синфимга ёзасиз”, – деб талашмаган бўлишарди.

– Албатта, жамият раванга учун хотин-қизларнинг билим савиясини кўтариш, маърифатини ошириш, маънавиятини юксалтириш ўта муҳим масала. Бироқ ўғил-қизини вояга етказишда оталарнинг ўрни ва масъулияти бундан кам бўлмасе керак?

– Ҳамма нарса жуфт қилиб яратилган. “Эру хотин – кўш хўкиз”, – мақолини бола тарбияси борасида ҳам қўллавериш мумкин. Жамиятнинг сиёсати, иқтисодиёти ва маънавияти бўлади. Оиланингни ҳам. Ота оиланингни сиёсати билан иқтисодиётини бошқарса, она унинг маънавиятига раҳбарлик қиладди.

Оилаларимизнинг иқтисодий имкониятлари – ҳар хил. Биров – бой, биров – унчалар эмас. Аммо бундан қатъи назар, ота-она бир нарсага жуда жиддий қарашга мажбур: ҳеч бир фарзанд ўқиб ўсмасин!

– Шеърларингизда оилалар билан боғлиқ кўплаб муаммолар турли шаклларда бадиий таҳлил этилганини кўраман.

– Шеър – ўта таъсирчан шакл. Одамларга қуруқ панд-насиҳат, ҳадису ҳикмат, мақолу матал ҳам қор қилмаётгандай туюлади, баъзан. Назаримда, ҳар бир нарсани ҳаётга, бугунги одамларнинг ўзига боғлаб гапириш керак. Қаттиқ ботса ҳам. Кимгадир тегиб кетса ҳам. Ҳаётини, одамларни, уларнинг ҳаётини, жамиятдаги яхши ёки ёмон тамойилларни кузатиб, нимадир дегинг келаверади, албатта. Беихтиёр кўнгилда фақат шеърдагина айтиш мумкин бўлган фикр-мулоҳазалар, ҳис-туйғулар туғилади.

– Эҳтимол, оила тарбиясида адабиётдан кучлироқ восита йўқдир ҳам?

– “Адабиёт” сўзи ўзаги “адаб” эканим, бас, у туб моҳияти билан, аввало, комил одоб-ахлоқни, қолаверса, яхши хулқни тарғиб этиши керак. Фақат бу қуруқ ташвиқот бўлиб қолмасин. Адабиётнинг ўз талаблари бор. Уша бадиият талабларига жавоб берадиган асаргина таъсирчан бўлади.

“Ахлоқ” сўзи билан “хулқ” калимаси бир ўзакдан ясалган, моҳиятан бир-бирига жуда яқин. Катталарга нисбатан “хулқ” сўзи

ишлатилганда, асосан, шахснинг айнан оилавий масалалардаги юриш-туришини тушунади.

Ҳарбикларни маънавий таназзулга олиб борган, оила муқаддаслигини амалда ер билан яқсон қилган “эркин муҳаббат” гоёси, афсуски, бизга ҳам кириб келган. Назаримда, шўро сиёсатининг паранжига қарши кураш, ўлиб-тирилиб динсизликни тарғиб қилиши халқимиз хулқ тарбиясини асрий анъаналар ўзанидан чиқариб юборди. Иккинчи жаҳон урушида эркакларнинг камайиб кетиши ҳам кўп-кўп маънавий муаммоларга сабаб бўлди. Ҳозирги пайтда эркакларнинг меҳнат миграцияси туйфали оиласидан йилла бўлиб узоқда яшаётгани ҳам бир талай ижтимоий-хулқий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бундан кўз юмиб бўлмайди.

Саида Зуннунованингни “Тафаккур” журналининг шу йилги 1-сонига босилган Саид Аҳмад қамоқда пайтлари ёзган кундаликларини ўқиб қолдим. “Бузуқ хотинга эр ёки бузуқ эрга хотин бўлиш – энг катта фожиа шу-ку! Худо сақласин!”, – деб ёзибдилар. Ҳақ гап. Баъзан гудлек пок онасига хиёнат қилган отага нафратини ичига ютиб юрган фарзанднинг аҳволини тасаввур қилиб кўраман. Фарзанд отани таҳлил қилишга ҳақли эмас. Бироқ: “Ўтган ишга савалот”, – деб ҳам кетолмайди-да. У қиз бўлсин, ўғил бўлсин, душманлари унга шу огриқни бот-бот эслатиб, тилини қисик қилишга уриниб туришса-чи?!

Хуллас, оила давлат ва жамият учун – бош масала. Шундай экан, жамиятимиз, жумладан, адабиётимиз ҳам, журналистикамиз ҳам оила билан боғлиқ муаммолар таҳлилидан асло чарчамаслиги керак. Бу борада ёпиқ қозоннинг қопқоғини очиброқ гапиришга ҳам мажбурмиз. Аёли бор эркакнинг бировнинг хасми бўлган бошқа аёлларга суқ билан қараш, гап отиши, кўз олайтириши, худди шунингдек, бошида эри бор аёлнинг номаҳрам эркакларга суйқалиши миллатимиз маънавияти ва динимиз талабларига мутлақо тўғри келмайди. Бу гапни бу қадар қатъий қилиб айтиш учун кишининг қанчалар маънавий ҳаққи бўлиши кераклигини ҳам ҳисобга олинг. Масалани шу тарзда қўймасақ, жамиятнинг маънавий-ахлоқий муҳити издан чиқади. Жамиятда оила мустаҳкамлигига эришишнинг туб ўзагида ҳам оила маънавияти масаласи ётади.

Нигора РАҲМОНОВА суҳбатлашди.

## Маълумият

### Болаларимизнинг онасига

**Булутлардан булутларга учдим-у, Баланд тоғлар товонимга тегмади; Етти қағат осмонни кучдим-у, Ой, юлдузга буйин земади — Нега сенга энгилгина энгилдим?!**

**Қуёш қанча зарлар тўқди боқмадим, Кўк булутдан рўмол тортди юзига; Тиллолардан юлдуз тутди тақмадим, Шунда чак-чак ёшлар келди кўзига — Нега сенга энгилгина энгилдим?!**

**Кейин не-не фаришталар юборди — Ой кўмиру Қуёш гўё кон бўлди; Билмам, лойим гурур кўшибми қорди, Ҳаётимда на бир жонон жон бўлди — Нега сенга энгилгина энгилдим?!**

## Онасини кўриб кўз олин

**“Болам, — деди бобо неварасига, — Мана, бинойидек чўзилди буйинг. Умрга вафо йўқ, биз ҳам — ғанимат, Кўзим очигида қилайлик тўйинг. Кўп инжиқ бўлмагин, кўп ҳам танлама, Таваккал қилеин-у, Худога солгин. Узани кўришга уялсанг агар, Онасини кўр-у, қизини олгин...”**

**“Тўғри, — деди ота, — мен каби, болам, Онасини кўр-у, қизини олгин. Онагни кўрсатди лекин онанг ҳам, У ёғини энди Худога солгин...”**



# НЕГА ТОПГАНИМИЗДА

## БАРАКА ЙЎҚ?



**Бугун ушбу савол кўпчилигимизнинг оғриқли ўйимизга айланган. Айримларимиз: "Нега баракамиз ариятти", деган саволга жавоб топиш учун "авваллари..." рўқачини кўндаланг қўйиб, аттанг қилаверамиз. Бироқ нега машаққат чекиб топаётган пулимизнинг баракаси йўқлигини моҳиятан таҳлил этмаймиз.**

Кунни тунга, тунни тонга улаб меҳнат қиламиз, на уйкумизда, на юриш-туришда ҳаловат бор. Аммо кўпчилик "бири икки бўлмаётганидан" нолийди. Орзу-ҳавасларимиз дақиқа сайин ўсиб, кўпаяётгани, болалар

катта бўлиб, харажатлар ҳам каттариб бораётгани — ҳолатнинг оддий сабаби. Бироқ бошқа жиддий сабаблар ҳам борки, улар важдан ризқимизни ўзимиз қийиб, баракамизга ўзимиз зиён қилаётганимизни уйламаймиз.

### ҚАРЗ РИЗҚНИ ҚИЯДИ

Айримларимиз оила эҳтиёжига сарфланган электр энергияси, табиий газ, иссиқ, совуқ сув ва бошқа коммунал тўловлардан бўйимизгача қарзга ботганмиз. Соҳа мутахассислари уйимизга қатнайвериб, эшик тирқишига козоз қистириб, ноумид ортига қайтавериб, безиб кетган. Бизнинг эса парвойимиз палак. "Тўлайман-да! Битта менми қарзи бор", дея ўзимизни ўзимиз оутамиз.

Ҳавойи орзу-истакларимиз шу қадар кўпайганки, тўй-томоша, кўнгулхушлиқлар билан боғлиқ тадбирларимиз сони ва номи кундан-кунга ошиб борапти. Бири бўлмаса, бири учун қарз олишга мажбур бўламиз. Турган-битганимиз сарф-харажат бўлса, бунинг устига, қарздорликдан кўрқмасак, уялмасак, қандай қилиб ризқимиз кенг бўлсин, топганимизда барака бўлсин?!

"Қирқиш, қийиш" маъноларини аңлатувчи қарз, нафақат ризқни, балки хотиржамликни, осудалик, осойишталикни ҳам қирқади.

Коммунал ва солиқ тўловини қарз сифатида кўрмаймиз. Уйлаймизки, иссиқ ва совуқ сув, электр ва табиий газ, солиқ ва ҳоказо тўловларни истеган пайтда тўлайверсак бўлади. Улар унчалик муҳим қарз эмас. Олдимизда турган асосий харажат эса тўйимизни

фалончи маҳалладошимизниқидан дабдабалироқ ўтказиш ва ўғлимиз билан келинимизни хорижга "асал ойи"га жўнатиш. Ҳатто бунинг учун бировлардан қарз кўтаришдан ҳам орланмаётганлар бор орамизда.

### ЎЛИМДАН САҚЛАНИШ УЧУН СЎРАЛАДИ

**Раҳматуллоҳ Сайфутдинов, Тошкент Исломи институтини ўқитувчиси:**

– Қарздорликнинг, қарз олиш ва беришнинг ҳам ўзига хос шартлари, одоблари бор. Унга кўра, қарз фақат муҳтожликда эҳтиёжга яраша, тез фурсатда қайтариш, қарз бергани ҳам, ўзини ҳам оғиринтирмайдиган ҳолатнинг ҳисобини олиб сўралади. Чақалоқни туғруқхонада "Лимузин"да олиб чиқиш, қовурдоққа қирқта тоғора қилиш, бешик тўйига таниқли ашулачиларни чақиритиш, шахсий автомашина сотиб олиш, туғилган кунни машҳур ресторанда нишонлаш ёки қиммат қўйлак ёхуд такинчоқни олиш учун қарз сўраш жоиз эмас!

Қуйидаги омиллар эса ризқнинг кенгайишига асос бўлади: Омонатдорлик. Бунда ишончлилик, аҳдига вафо қилиш, берган ваъдасининг устидан чиқиш ва тўғрисиқлик каби фазилатлар назарда тутилади. Жумладан, омонатга хиёнат қилмаслик, бировнинг ишониб берган бирор нарчасини эҳтиёт қилиш, ундан сўроқсиз фойдаланмаслик ҳам омонатдорлик одобиға мансубдир. Ишончли ва омонатдор бўлиш кишиға фақат фойда-манфаат, яхшилик, бойлик ва хайр-барака олиб келади.

Талаба, илм ўрганиш истагида юрганлар, шу соҳада хизмат қилувчи жонкуяр ва фидойи кишиларға ёрдам кўрсатиш ҳам ризқнинг янада кўпайишиға сабаб бўлади. Чунки илм йўлида юрганлар ҳам ўзларига яхшилик қилаётган кишиларнинг мол-дунёлари янада кўпайишини тилаб дуода бўладилар.

Аҳли солиҳлар ўзаро ёрдам бериш, заифларни қўллаб-қувватлаш ва уларни қаровсиз қолдирмасликка доимий даъват қилиб келганлар. Исломи бошқа дин ва жамиятлардан фарқли ўлароқ заиф ва эҳтиёжманд кишиларни қаровсиз қолдириб қўймайди. Балки уларға яхшилик қилишға тарғиб этади. Бу эса ўша жамиятнинг тинч-тотув бўлиши ва гуллаб-яшнаши, яхшилик қилган кишиларнинг эса мартабалари юксалишиға сабаб бўлади.

Ҳар бир одам бойлик ва кенг ризқ сўраб дуо қилиши жоиз. "Бойлик" деганда ўзгаларға муҳтож ва қарам бўлиб қолмаслик назарда тутилади. "Кенг ризқ" эса фаровон ва осойишта ҳаётни аңлатади. Исломи дини инсонларни ризқ талабиде ҳаракат қилиш, ҳаёт учун, уни обод қилиш учун интилишға тарғиб қилиб, дангасалик ва ишққасликдан қайтаради.

Кимки дунёда ризқи кенг ва баракали, ҳаёти фаровон ва осуда, умри савобли ишларға талабиде ҳаракат қилиш, вафотидан кейин ҳам кишилар томонидан яхши хотиралар билан эсланиш ва номаи аъмолиға солиқ амаллар ёзилиб турилишини хоҳласа, бас, қариндош-уруғлари билан яхши муомалада бўлсин. Уларнинг ҳолларидан хабар олиб турсин. Хоҳ молдий, хоҳ маънавий томондан бўлсин, ёрдам қўлини чўзсин.

### ХУЛОСА

Топаётган пулимизнинг баракаси ва ризқимизнинг кенг бўлиши кўп ҳолларда феълимиз билан боғлиқ экан. Феълимизни ислоҳ қилсак, ўз-ўзимизни тузатсак, шубҳасиз файз-баракамиз зиёда бўлади. Норозилик, ношукрлик, манманлик, кибр, исрофгарчилик, бағритошлик, бахилликдан халос бўлсак, кенг ризқ ва фаровон ҳаёт билан муқофотланамиз. Комил инсон учун бу унчалик қийин эмас, назаримда.

Умида АДИЗОВА

**Яқинда қишлоғимға борганимда, онам: "Дугонанг Мунира анчадан буён онасиникида, ҳол сўраб чиққин", деди. Аңладимки, саккиз йил аввал турмуш қурган дугонам ё бетоб ёки оиласи нотинч. Кўнгулим алланечук беҳаловат бўлиб, уларникиға кирдим.**

Тўшақда ётган Мунира озиб-тўзиб, ранги сомондек саргайиб кетганди. Ҳол-аҳвол сўрасам, кўзи ёшланди.

– Ҳаммасиға ўзим айбдорман, – дея гап бошлади. – Кўр-кўрона севиб, турмуш қурдим. Отам: "Онаш, ўқиган қизсан, қишлоқдаям сенға оғиз солган яхши йигитлар кўп, кўз ўнгимизда ўсишган, чет элга бориб ишлаб келадиган бу боланинг хулқ-атворини яхши билмасак. Эртаға куйиб қолмайлик дейман-да", деса, қулоқ солмабман. Шундан бошқасиға тегмайман, деб оёқ тираб олдим. Фотиҳамиз бўлгач, Рустам ака тўй харажатлари учун пул ишлаб келаман, деб хорижға кетиб, тўйға бир ҳафта қолганида етиб келди.

Никоҳдан ўтиш учун ариза бергани борганимизда ФХД мутахассиси туман поликлиникасидан тиббий текширувдан ўтиб, "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида"ги маълумотномани тўлдириб келишимизни айтди. Поликлиникаға бордик, шифокорға учрашиб, тўйимиз яқинлигини айтдик. Таҳлил натижаларини тезроқ олишнинг иложи йўқми, – деб сўраганимизда, у: "15000 сўм берсангиз, таҳлил натижаларини эртағаёқ олиб кетасиз ва никоҳдан ўтаверасиз", деди.

Рустам ака: "Хонама-хона юриб докторға кўринишға уялиб турувдим", деб рози бўлди. Мен иккиландим, лекин эркак кишининг гапиға қарши боришни эп кўрмадим. Тўйдан кейин яхши яшаб кетдик. Ҳомилалор бўлдим. Ой-куним яқинлашган сари, ҳолсизланиб боравердим. Афсус, муддатидан олдин кўзим ёриди. Фарзандим яшаб кетолмади.



# ҲАЁТНИ ЎЙИН БИЛИБ...

Сиз нима дейсиз?

Қайнота-қайнонам ва ота-онам маслаҳатлашиб, мени пойтахтға юқумли касалликлар клиникасига олиб келиб текширтиришди. Ҳақиқатан ҳам, қонимда инфекция борлиги маълум бўлди. Одатда бундай касаллик эркакларда кўпроқ учраши ва аелиға юқишини, вақтида даволанмаса, бачадон саратонига олиб келишини айтишди. Эримда ҳам шу инфекция аниқланди. Менда эса аллақачон саратон ривожлана бошлаган экан. Ҳаётимни сақлаб қолиш учун бачадонимни операция қилиб, олиб ташлашди.

Қарагин-а, дугонажон, ўзим тиббиёт ходимаси бўла туриб, тўйдан олдин тиббий кўриқдан ўтмаганим, мени бутун умрга ногирон ва она бўлиш бахтидан мосуво қилди. Бир кунни ўша сохта маълумотнома ёзиб берган шифокорни йўқлаб бордим. Арзимаган пулни деб одамларни бундай бахтсизлик ўтиға отмаслигини айтмоқчи эдим, лекин учратолмадим. Поликлиника раҳбарияти аллақачон ишдан бўшатиб юборган экан.

Дугонанинг бошидан ўтганларини эшитарканман, уни юпатишға сўз тополмасдим. Бу ишда ким айбдор, пала-партиш, бетартиб ҳаётға ўрганган, инсонийликдан ва тиббий маданиятдан йироқ Рустамми, ақли инкор этиб турса-да, бўлажак турмуш ўртоғининг гапини қайтара олмаган Мунираими?

Бу саволға жавоб ахтаришдан маъно йўқдек, туюлади. Аммо дугонанинг бошиға тушган бу кўргулик бошқаларға ибрат бўлиши керак. Зеро, арзимаган хато туфайли ҳаётимиз барбод бўлмасин.

Гулилайло ТУГАЛОВА

# ФАРЗАН ДИНГИЗ ДАН ЮЗ ЎГИРМАНГ!


## ёхуд даун синдроми касаллиги хусусида

Сойибжон 14 ёшда. Ҳеч қаерда ўқимайдиган, уззу-кун кўчадан бери келмайдиган бу болани кўпчилик четлаб ўтади. Катталарга кўлини кўксига кўйиб салом бериб, ўзидан кичкина болалар билан ўйнашга ҳаракат қилади. Аммо оналар Соибжонни фарзандларига яқинлаштирмай, қувиб солишади. У чувиллаб ўйнаётганларга мўлтираб қарайди-да, хўрсиниб, дарахтлар тагига кўйилган ўриндиққа бориб ўтиради. Бу дунёда ўзини ёлғиз сезади.

боласидан туғруқхонадаёқ воз кечишади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, касаллик ҳужайраларнинг бўлиниш жараёнидаги тасодифий бузилиши натижасида келиб чиққани туфайли, болани ушбу синдром билан туғилишида ҳеч ким айбдор эмас. Аммо мазкур хасталик билан туғилган боланинг ота-оналари ўртасида бир-бирини айблаш, қийинчиликларга дош бера олмаслик айниқса, эркаларнинг оилани ташлаб кетиш ҳолатлари кўпга кузатилади.

### ДАУН СИНДРОМИНИНГ БЕЛГИЛАРИ:



Бола-нинг боши номуносиб кичик, юзи кенг, кўзлари кичик ва бир-бирига яқин жойлашган бўлиб, оғзи ярим очик ҳолатда бўлади.

Мазкур хасталик билан туғилган инсонларнинг ақли заиф бўлиб, одатда узоқ яшамайди.

– Бундай болалар билан мунтазам шуғулланилса, улар бошқалар қиладиган ишларнинг кўпчилигини ўзлаштиришга қодир, – дейди шифокор Ленире Зупарова. – Тадқиқотлар шунини кўрсатмоқдаки, Даун синдроми – бу шунчаки ақлий ривожланишдан орқада қолиш эмас. Хромосома тўпламининг ўзгариши туфайли ҳужайралар даражасидаги моддалар алмашинуви бузилади ва организмдаги аксарият органлар ва тўқималарга зарар етади. Шу боис болада туғма юрак иллати, кўриш ёки эшитиш қобилияти бузилиши кузатилади. Ушбу хасталиклар мутахассислар томонидан ўз вақтида аниқлангач, даволаниш бошлаш керак. Ота-оналар ташхисни қабул қилишдан

бош тортиб, ўз фарзандларига зарур тиббий ёрдамнинг ўз вақтида берилишига тўсқинлик қилиши эса боланинг ривожланиши сусайишига сабаб бўлиши мумкин.

Фарзандлари даун касаллиги билан туғилган ота-оналар шифокор маслаҳатларига қулоқ солиши, тавсияларини сўзсиз бажариши, зарур болганда қабул қилиш керак бўлганда касалхонада даволаниш, мунтазам тиббий кўриш ва текширувлардан ўтиши жуда муҳим. Биринчи ойданоқ чақалоқ ривожланиши тенгдошлариникидан сезиларли даражада ортда қолаётгани билинади. Турли сабабларга кўра, шу жумладан, паст тонус туфайли тез чарчайди, кўп ухлайди, нигоҳини бир нуктага қарата олмайди. Ўйинчоқларга қизиқиши йўқолади. Ҳис-туйғуларини ифодалаш имконияти жуда чеклангани учун ҳатто ота-онасига ҳам унчалик эътибор қилмайди.

Бундай болалар учинчи ойга яқинлашгандагина бошини тута бошлайди. 9-12 ойларда ўтиришни, 1,5-2 ёшида юришни ўрганишади. Организм худди мудраётгандай, ривожланишга интилмаётгандай туюлади. Аммо аслида, у ўсишни хоҳлайди ва ташқаридан бериладиган кўмакни кутади. Албатта, мазкур синдром туфайли ривожланишдаги суст-кашликни буткул бартараф этиб бўлмайди. Бироқ бола билан мунтазам ва мақсадли равишда шуғулланилса, тезроқ ривожланиб, табиат томонидан унга берилган салоҳиятни рўёбга чиқара олади. Аксинча, агар фаолликдан чеклаб қўйилса, ривожланиши янада кечикиши мумкин.

Туғилганиданоқ уни кузатиб бораётган шахсий дефектолог бола учун қандай саяё-ҳаракатлар фойдали эканини яхши билади. Шунинг учун иложи борича эртароқ маҳаллий реабилитация марказлари, тиббий-руҳий маслаҳатхоналарга мурожаат қилиб, шундай мутахассисни топиш керак. Агар яқин орада бундай муассаса бўлмаса, унда педиатрдан маслаҳат олиш мумкин. У боланинг хасталиги тўғрисидаги маълумотлар асосида унга мос уқалаш муолажасини ва жисмоний юкламани аниқлаб беради.

Бундай болаларнинг жамият ҳаётига аралашуви беэиён кечиси учун уларнинг фаол ўйинларга қўшилиш имконияти чекланганлигини инobatга олиш лозим. Унинг толиққанини ўз вақтида сезиб, ўйиндан чалғитиб, бир ўзи ўтиришига имкон яратиш керак. Бундан ташқари, тенгдошлари қиладиган ишларнинг ҳаммасиниям бажара олмаслигини унга тушунтириш яхши фойда беради. Шунингдек,

бошқа болаларнинг ота-оналари билан боладаги хасталик ҳақида батафсил гаплашиб олиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Бола уч ёшга тўлганида ихтисослашган болалар богчасига бериш мумкин. У ерда бола кичикроқ гуруҳда тарбиячилар ва махсус педагоглар кузатуви остида бўлади. Болани замонавий таълим тизимлари бўйича шуғулланадиган оддий мини-гуруҳларга олиб бориш мумкин. Логопед гуруҳига қатнаша, мутахассислар унинг нутқини яхшилашади. Боланинг мулоқотини айнан шундай мини-гуруҳлардан бошлаш яхши натижа беради.

Бугун дунёда ҳар бир 800 та инсоннинг бири ана шу хасталикдан азият чекади. Ривожланган мамлакатларда ушбу касалликка чалинганларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг жамият ҳаётига аралашуви учун шарт-шароитлар яратиш борасида кўпга ишлар олиб борилмоқда. Ортимизда касаллик ривожининг олдини олишида Республика она ва бола скрининги маркази шифокорлари яқиндан ёрдам беришади.

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди кўмагида 1998 йилдан ирсий касалликларга эга бўлган болаларда ақлий заифлик ривожланишининг олдини олиш ҳамда ҳомиланинг юрак иллати билан туғилиш эҳтимолини аниқлаш мақсадида ҳомиладор аёлларни тиббий кўриқдан ўтказиш ишлари бошлаб юборилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган “Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбияланишнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорга мувофиқ 2003 йилдан 2007 йилга қадар “Она ва бола скрининги” Давлат дастурининг иккинчи босқичи амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йилдаги “Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида”ги қарорига кўра, мамлакатимизнинг барча худудларида скрининг марказлари ташкил этилди.

Республика скрининг маркази ва унинг жойлардаги филиаллари боланинг соғлом туғилиши йўлида изланишмоқда.

**Наргис ҚОСИМОВА**



**Оила ва жамият**

**Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета**

Обуна индекси – 176

**МУАССИСЛАР:**

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси,  
“Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси  
(Болалар жамғармаси) ва  
“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир: Воҳид Луқмонов

**МАНЗИЛИМИЗ:**

Тошкент – 100000.  
Амир Темур кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,  
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2013 йил 20 мартда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 10-2995 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 426. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ, Адади – 7490. Баҳоиси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи муҳаррир: **О. Жумабоев**  
Мусахҳах: **С. Сайдалимов**  
Саҳифаловчи: **А. Маликов**

ISSN 2010-7609



Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5